БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 163 (394)

17 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУННГИ СОНДА:

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

Корея Халқ Демократик Республикасининг элчихонасида қабул маросими (1-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **А. Тўлибоев.** — Депутат — халқ хизматкори (2-нчи бет).

Ҳ. Собитов. — Давлат плани — ҳарбир корхона учун қонундир (2-нчи бет).

Қўсакларнинг кўпайиши ва барвақт пишиб етилиши учун курашайлик! А. Мальян, Е. Добросмислов, Ҳ. Йўлдошева, Ҳ. Абдусаматов. — ўртасаройлилар ҳосилга яна ҳосил қўшишлари керак (3-нчи бет).

С. Раҳимов. — Кино-театрларда бўлаётган ба'зибир тартибсизликлар ҳақида (3-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **А. Рашидов.** — Пионерлар ҳақида повесть (3-нчи бет).

Корея озод қилинган кунининг ўнйиллиги байрамига келган Совет ҳукумат делегацияси а'золарини Ким Ир Сен қабул қилди (4-нчи бет).

Франс Пресс агентлиги мухбирининг саволларига Хо Ши Миннинг жавоблари (4-нчи бет).

Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқи қуролли кучлари сонини камайтириш тўғрисидаги қарори ҳақида чет элларда баён қилинган фикрлар (4-нчи бет).

КИНО: **В. Маҳкамов.** — Довюраклар ҳақида фильм (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

Ватанимизнинг ишчилар синфи, интеллигенцияси ва барча меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида социалистик саноатимизни зўр бериб юксалтириш соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бешинчи бешйиллик план саноат ишлабчиқаришининг умумий ҳажми бўйича 1955 йил 1 майгача, я'ни 4 йилу 4 ойда бажарилди. Айниқса хўжаликни ривожлантиришнинг ва мамлакат мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг асоси бўлган оғир саноат катта муваффақиятларга эга бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми социалистик саноатимизни ривожлантириш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар блан бир қаторда саноатнинг бирқанча тармоқларида фан ва техниканинг энг муҳим муваффақиятлари ишлабчиқаришга сust жорий қилинаётганини, саноатнинг мавжуд резервларидан ёмон фойдаланилаётганини, ишлабчиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасиз ҳали ҳам етарлик эмаслигини, ишлабчиқаришнинг илғор технологиясини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришда ҳам камчиликлар борлигини та'кидлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми кўрсатган камчиликларни тугатиш ва Пленум томонидан қўйилган муҳим вазифаларни бажаришда саноат корхоналарининг партия ташкилотлари ҳал қилучи роль ўйнайди. Партия ташкилоти ҳарбир корхона томонидан белгиланган номенклатурада ва ассортиментда маҳсулот чиқаришни та'миндаш учун коллективнинг етакчиси бўлмоғи лозим. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва фан ҳамда техниканинг энг янги ютуқларини саноатга жорий қилиш, ишлабчиқариш новаторлари ва илғор корхоналарнинг тажрибаларини кенг оммалаштириш соҳасидаги ташкилотчилик ишлари партия ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим.

Бизнинг область корхоналари олти ойлик планни ошириб бажардилар. Бирқанча корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, илғор техникани жорий қилишда муваффақиятга эришмоқдалар. Кўпгина завод ва фабрика партия ташкилотлари саноатни янада юксалтиришга ишчи ва инженер-техник ходимларни сафарбар этмоқдалар. Улар ишлабчиқариш блан бевосита боғлиқ бўлган цех партия ташкилотларини мустаҳкамлашга кўпроқ э'тибор бермоқдалар.

Цех партия ташкилоти — умумзавод партия комитетининг таркибий қисмидир. Цех партия ташкилоти бевосита омма ичида ишлайди, шунинг учун у ҳарбир ишчини ўз та'сири остига олиш имкониятига эгадир. Цех партия ташкилотининг вазифаси — ишчи ва инженер-техник ходимларни ишлабчиқариш планларини бажаришга сафарбар этиш, илғор ишчи ва мастерларнинг тажрибаларини кенг ёйиш рационализатор ва ихтиро'чиларни қўллаб-қувватлаш цех коллективи ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ва социалистик мусобақани кенг авж олдириш, галдаги вазифаларни бажаришга оммани уюштиришдан иборат. Партиямизни омма блан бевосита боғловчи звено бўлган бошланғич партия ташкилотлари ва партия группаларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон КП Фрунзе ва Ленин район комитетлари корхоналарда цех партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтиришга зўр э'тибор берабошладилар. Бу райкомлар ҳар ойда цех бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари ва партия группа ташкилотчилари учун семинарлар ташкил қилиб, унда ҳаётий темаларда доклад ва лекциялар ўтказадилар, тажриба алмаштирадилар.

Фрунзе район корхоналаридаги 24 бошланғич партия ташкилоти составида 130 партия группаси бор. Партия группалари ишлабчиқаришда коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини ошириш, цех коллективини галдаги ишлабчиқариш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш, ишчи ва хизматчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда етакчилик қилмоқдалар.

«Таштекстильмаш» заводининг цех партия ташкилотчилари Барков ва Машченко ўртоқлар ўз участкаларининг ишлабчиқариш масалалари блан яқиндан шуғулланадилар, цех ишини яхшилаш блан боғлиқ бўлган масалаларни партия йиғилишида муҳокама қиладилар. Бу цехлар ишлабчиқариш кўрсаткичлари жиҳатидан заводда илғор ҳисобланади.

Цех партия ташкилоти ва партия группасининг ташкилий ва тарбиявий ишлари дастлаб ишлабчиқариш планининг бажарилишини та'минлаш мақсадида социалистик мусобақани кенг ёйишга қаратилмоғи керак. Бу жиҳатдан «Ўзбексельмаш» заводининг ўртоқ Мамикин секретарь бўлган цех партия ташкилоти ўз ишида яхши натижаларга эришмоқда. Цех ишчи ва инженер-техник ходимлари ўртасида бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенгаймоқда. Партия ташкилоти ишлабчиқариш масалалари блан қаркуни шуғулланади. Цехда ишлабчиқариш кенгашлари ва очиқ партия йиғилишлари ўтказилиб турилади. Йиғилиш ўтказиладиган вақт ва унда кўриладиган масала икки-уч кун илгари хабар қилинади. Шунинг учун бу йиғилишлар жонли ва самарали ўтади. Ўртоқ Мамикин цехнинг ҳамма ишига аралашади, цех бошлиғига амалий ёрдам беради. Шунинг учун 8-нчи қуюв цехи заводда энг илгор цех ҳисобланади. Бу цех 7 ойлик планни ошириб бажарди. Шу вақт ичида ҳарбир ишчининг иш ҳақи ўтган йилги 10.194 сўм ўрнига, 18.269 сўмга ўсди. Цех коммунистлари ўз ишлари блан партиясиз ишчиларга намуна бўлмоқдалар. Кокельщик Шоназаров ойлик топшириқни 280—290 процент, модельчи-слесарь Родина ва Федоришчев ўртоқлар 180—200 процент бажармоқдалар. Цех партия ташкилоти эса илғор ишчиларнинг тажрибасини кенг ёйиб, умумий юксалишни та'миндамоқда.

Сталин номли тўқимачилик комбинати партия бюроси (секретари ўртоқ Сергеева) 1-нчи пойафзал фабрикаси партия ташкилоти (секретари ўртоқ Кондратьев) ва бошқа бирқанча корхоналарнинг партия бюролари ҳам цех партия ташкилотларининг ишлабчиқаришдаги ролини оширишга катта э'тибор бермоқдалар. Цехларда сиёсий-агитацияни яхши йўлга қўйиб, оммани партия қарорларини бажаришга сафарбар этмоқдалар, оммавий-агитация ишини цех, смена ва бригада ҳаётининг жонли кундалик фактларга, ишчиларнинг ўз вазифаларини бажаришларига, ишдаги муваффақиятлари ва камчиликлари ҳақидаги фактларга асосан олиб бориб, ишчи ва инженер-техник ходимларнинг сиёсий онгини оширишга, меҳнат фронтида шуҳрат қозониш истагини оширишга эришмоқдалар.

Лекин, цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг ролига ҳамма жойда ҳам ана шундай юксак баҳо берилаётир, деб бўлмайди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг якунларига бағишланган партия йиғилишларида бу соҳада жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Ба'зи фабрика-завод партия ташкилотлари ва райкомлар ишчилар оммасига энг яқин турган цех партия ташкилотларини мустаҳкамлашга тегишли э'тибор бермаётирлар. Масалан: «Ташкенткабель» заводи партия бюроси ва унинг секретари ўртоқ Павлий цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг ишини жонлантиришга ҳаракат қилмай келмоқда. Цехлар, бўлимлар, смена ва бригадаларнинг иши — партия ташкилотининг диққат марказида турмайди. Шунинг учун бу завод ишлабчиқариш планларини бажармаётир, брак маҳсулот кўп чиқарилмоқда, меҳнат унумдорлиги пасаймоқда.

Завод партия бюроси цех партия ташкилотчиларининг ишини контроль қилмайди. Цехлараро социалистик мусобақа расмият учунгина тузилган. Цех партия ташкилотлари ишлабчиқариш масалаларини муҳокама қилмайдилар. Ўртоқ Герасимов партия ташкилотчиси бўлган 20-нчи цехда 7 ойдан бери партия йиғилиши ўтказилмаган.

Цех партия ташкилотларига раҳбарлик қилишдаги мана бундай нотўғри практика қаттиқ қораланиши керак. Цех партия ташкилотларининг ишига ҳартарафлама яқиндан ёрдам бериш, уларнинг ишлабчиқаришдаги ролини ошириш, омма ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтариш — корхона партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетларининг муҳим вазифасидир.

Партия ташкилотлари ишлабчиқаришда коммунистларнинг авангардлигини та'миндашга алоҳида э'тибор бермоқлари лозим. Уларни жой-жойига қўйишдаги камчиликлар дарҳол тугатилиши лозим. Коммунистларнинг асосий қисми ишлабчиқариш планларини бажариш ва илғор техникани жорий қилиш муваффақияти ҳал этиладиган жойда бўлиши зарур.

Корхона партия ташкилотларининг, айниқса ишлабчиқариш процесслари ва маҳсулот чиқариш блан бевосита боғлиқ бўлган цех партия ташкилотларининг фаолиятини тобора ошириш — саноатни зўр бериб юксалтиришнинг, мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш ва коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар қозонишнинг гаровидир.

Корея Халқ Демократик Республикасининг элчихонасида қабул маросими

Совет Армияси томонидан Корея озод қилинган кунининг ўнйиллиги муносабати блан Корея Халқ-Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Сан Чо 15 августда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. А. Суслов ўртоқлар, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, РСФСР Министрлар Советининг раиси А. М. Пузанов, СССР министрлари И. А. Бенедиктов, П. Н. Горемикин, Н. А. Дигай, М. А. Евсеенко, В. П. Елютин, А. Г. Зверев, В. П. Зотов, Е. Ф. Кожевников, И. К. Козюля, А. К. Кортунов, Л. Р. Корниец, М. Д. Ковригина, А. И. Костоусов, С. Н. Круглов, П. Ф. Ломако, Л. Г. Мельников, И. И. Носенко, К. Д. Петухов, Н. Д. Псурцев, Д. Я. Райзер, Н. С. Рижов, И. Т. Скиданенко, А. Г. Шереметьев, Совет Иттифоқи Маршаллари И. С. Конев, С. С. Бирюзов, Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Ковальч, ТАСС Мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьев, «Труд» газетасининг бош редактори Б. С. Бурков, Москва шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлари Н. И. Бобровников ва З. В. Миронова, СССР генерал прокурори Р. А. Руденко, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи В. Н. Старовский, СССР Давлат иқтисод комиссияси раисининг биринчи ўринбосари Н. М. Силуянов, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, Н. А. Гундобин, В. А. Зорин, С. В. Кафтанов, В. С. Кеменов, В. В. Кузнецов, П. Н. Кумикин, Н. Н. Птичкин, В. Н. Столетов, В. Н. Сурин, авиация маршали В. А. Судец, артиллерия маршали М. И. Неделин, алоқа қўшинлари маршали И. Т. Пересыпкин, армия генераллари А. И. Антонов, В. В. Курасов, Г. К. Маландин, М. С. Малинин, генерал-полковниклар П. А. Белов, Н. И. Гусев, П. А. Курочкин, И. А. Серов, адмираллар С. Е. Захаров, В. А. Фокин, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг а'золари Л. Ф. Ильичев, С. П. Козирев, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари Б. М. Волков, И. Ф. Курдюков, Ф. Ф. Молочков ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг раиси А. И. Денисов, СССР Фанлар Академиясининг вице-президенти И. П. Бардин, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академиясининг президенти Т. Д. Лисенко, СССР Ёзучилар союзи Правлениесининг биринчи секретари А. А. Сурков, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, саноат новаторлари, фан ва маданият арбоблари, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, СССР Мудофаа Министрлигининг, Ташқи савдо министрлигининг мас'ул ходимлари, журналистлар бор эди.

Қабул маросимида Фавқулодда ва Мухтор Элчилар: Бирма Иттифоқидан — Монг Он, Вьетнам Демократик Республикасидан — Нгуэн Лонг Банг, Ҳиндистон Республикасидан — К. П. Ш. Менон, Чехословакия Республикасидан — Ян Вошаглик, Мўғулистон Халқ Республикасидан — Д. Адилбиш, Албания Халқ Республикасидан — М. Прифти, Индонезия Республикасидан — Субандрио, Руминия Халқ Республикасидан — И. Раб, Хитой Халқ Республикасидан — Лю Сяо, Финляндиядан — Э. А. Вуори; Мувақкат Ишлар Вакиллари: Германия Демократик Республикасидан — К. Зейц, Венгрия Халқ Республикасидан — Й. Ковач, Польша Халқ Республикасидан — Ю. Банак, Болгария Халқ Республикасидан П. Н. Царвуланов, Югославия Федератив Халқ Республикаси элчихонасидан — Д. Рожман ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Корея Халқ-Демократик Республикасининг Маданият ва пропаганда министри ўринбосари Тен Юр бошчилигида Корея Халқ-Демократик Республикаси маданият ва сан'ат арбоблари делегацияси ҳозир бўлди.

Қабул маросимида Корея Халқ-Демократик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Сан Чо ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. М. Каганович нутқ сўзладилар.

Қабул маросими вақтида корея артистлари концерт бердилар.

Қабул маросими гоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Совет Иттифоқида



Харьков. Тепловоз электр асбоб-ускуналари ишлабчиқаручи завод коллективи ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. **Суратда:** смена топширигини 250 — 300 процентдан адо этаётган илғор фрезеровщик **Б. Левитский** иш устида.

М. Начинкин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

НЕФТЬ ЧИҚАРИШ ЎН ОЙЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

БОКУ, 14 август (ТАСС). «Молотов нефть» бошқармаси еттинчи конининг нефтьчилари КПСС XX с'езди шарафига мусобақалашиб, бугун меҳнатда янги галабага эришдилар. Улар ўн ойлик планни Озарбайжон нефть саноатида биринчи бўлиб бажардилар.

Кон коллективи йиллик планни муддатидан уч ой илгари бажариш мажбуриятини олди.

Эстонияда кузги экинлар ҳосили ўриб-йиғиб олинмоқда

ТАЛЛИН, 15 август (ТАСС). Эстония галлакорлари механизаторлар блан ҳамкорликда кузги экинлар ҳосилини ялпи равишда ўриб-йиғиб олишни қизғин бошлаб юборишдилар.

Жавдари бугдой ва бугдой ҳосили яхши бўлди. Республиканинг Жанубий районларида ҳар гектар ердан ўтган йиллагига қараганда ўрта ҳисобда 4 — 5 центнер кўп дон янчиб олинмоқда.

КУЙБИШЕВ ГЭС ТУҒОНИ ЁНИДАГИ ШАҲАР

СТАВРОПОЛЬ, (Куйбишев области), 14 август (ТАСС). Ўрта Волга қирғоқларида Комсомольск поселкасидан то Қозонга қадар Куйбишев сув омборини сув блан тўлдиришга тайёргарлик бораётир. Аҳоли яшайдиган ўнларча пунктлар, корхоналар, колхозлар янги жойларга кўчдилар.

Волга бўйидаги қалимги Ставрополь шаҳарчасидан уй-жойларни кўчиришдаги асосий ишлар тугади. Волганинг чап қирғоғида Куйбишев ГЭС тўғон яқинида янги Ставрополь вужудга келди. Унда ҳозирги вақтда уч мингдан ортиқ уй, олти магазин, учта ўрта мактаб, институт филиали, ёзги кинотеатр ва бошқа маданий-маиший муассасалар бор. Бу шаҳар блан Куйбишев ўртасида темир йўл ва асфальтланган шоссе бор. Ҳозир Ставропольда эски шаҳардагига қараганда аҳоли сони олти марта кўп. Шаҳарни ободонлаш юзасидан катта ишлар бажарилмоқда. Уйларнинг 60 процентдан кўпроғига газ қувурлари ўтказилди.

Уй-жойлар қуриш давом этмоқда, саноат корхоналари ва кема-ремонт заводларининг пойдеворлари қурилмоқда.

ҚИШЛОҚ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАРИ КЎРИГИ

СТАЛИНОБОД, 15 август (ТАСС). Бу ерда қишлоқ бадиий ҳаваскорларининг республика кўриги бошланди. Кўрикда Тожикистоннинг ҳамма районларидан бир ярим минг киши қатнашмоқда. Кўрик программасида Совет Иттифоқи, Халқ демократияси мамлакатлари халқларининг қўшиқлари ва рақслари, совет шоирлари, ёзучилар, композиторларининг асарлари бор.

Кўрик ўн кун давом этади.

Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқи (Кисан-Сабха) делегацияси СССРга келди

СССР қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий комитетининг таклифи блан Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқи делегацияси Москвага келди.

Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқининг раиси Нана Р. Патил бошчилигидаги бу делегация СССР да 20 кун бўлади. Делегация совет касаба союзларининг фаолияти блан, МТС ва совхоз ишчилари ва хизматчиларининг ҳаёти ва меҳнати блан, колхозлар блан танишади, қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтларида бўлади, мамлакатнинг турли шаҳарларини бориб кўради.

Внуково аэродромида меҳмонларни қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий комитети президиумининг а'золари кутиб олдилар. (ТАСС).

Америка қишлоқ хўжалик делегацияси Олмаотага келди

ОЛМАОТА, 14 август **(ТАСС махсус мухбири).** Америка қишлоқ хўжалик делегацияси бугун Олмаотага келди. Аэродромда меҳмонларни Олмаота область ижроия комитетининг раиси Римбек Ильяшев табриклади. Делегация раҳбари Уильям Ламберт самимий кутиб олганликлари учун йиғилганларга ташаккур билдирди.

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

„Ташсельмаш" заводининг рационализаторлари



Янги пахта терши машинасини ўзлаштириш учун берилган вақт ўтиб бормоқда эди. Аммо ҳали бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Янги конструкциядаги горизонталь-шпиндельли машинанинг детальлари жуда мураккаб бўлганлиги учун кўп вақт ва меҳнат талаб қилар эди. Бунинг устига унинг детальлари жуда аниқ ишланиши керак.

Машинанинг оммавий детальларини тайёрлаш, айниқса кўп вақтни талаб қилар эди. Жумладан, бир машина учун 720 та шпиндель керак бўлса, бундай шпиндельлар комплектини тайёрлаш учун 600 соат вақт керак бўлади. Аммо вақт ўтиб бораётир. Колхоз ва совхозларнинг пахта далаларидаги ғуж-ғуж кўсаклари эса, ҳадемай очилади.

Шунинг учун заводдаги оддий ишчилар тортиб цех бошлиғигача, технологдан тортиб то бош инженергача — умуман бутун коллектив янги машина ишлабчиқаришни имкони борича тезроқ ўзлаштириши, механизаторларга пахта терими бошлангунча уларни тақдим этишни та'минлайдиган рационал йўлни излар эди. Корхона ма'мурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари илғор ишчилар блан маслаҳатлашиб, улардан меҳнат унумдорлигини оширадиган, маҳсулот таннархини камайтириб, унинг сифатини яхшилайдиган тадбирларни, ишлабчиқаришда ёрдам беришларини сўрадилар.

Кўп қатори Сергей Терентьевич ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида ўйлайбошлади. Шпиндельлар тайёрлаш технологиясини пухта ўрганиб, ундаги ба'зибир камчиликларни бартараф қилди. Аммо бу бир янгилик кетидан иккинчисини яратишни ўзига касб қилиб олган Сергей Терентьевични қониқтирмади. Токарьликка доир китобларни яна бир бор кўздан кечирди, бу соҳадаги янгиликлар блан танишиб чиқди.

Ниҳоят унда шпиндельларнинг тишини ўткирлайдиган махсус станок яратиш идеяси туғилди. Бу ҳақда конструкторлар ва инженерлар блан маслаҳатлашди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бу фикрни қўллаб-қувватладилар. Шундан сўнг новатор-токарь коллективнинг ёрдамига таяниб, ўзининг оригинал станогини яратиш устида ишлайбошлади. Ўйқисиз ўтказилган кечалар ўзининг самарали натижасини берди: шпиндельлар тишини ўткирлайдиган махсус станок яратилди. Станок синаб кўрилганда жуда қувончли натижани берди: меҳнат унумдорлиги эски усул блан ишланганига қараганда 7—8 баробар ошди.

Янгилик изловчи токарь кўп ўтмай яна бир муҳим таклиф киритди: УПХ-1,5 маркали пахта тозалаш машинаси деталини тайёрлашнинг янги усулини ишлаб чиқди. Бу таклиф коллективга йилига 24 минг сўм иқтисод қилиш имкониятини беради.

Механика цехининг новатор-токари Сергей Терентьевич Акиншиннинг номини завод коллективи ҳурмат блан тилга олади. Янгилик яратиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилучи ўртоқ Акиншин шу бешйилликнинг ўзида меҳнат унумдорлигини оширадиган, маҳсулот таннархини камайтириб, унинг сифатини яхшилашга қаратилган 30 та рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифини киритди. Улар ҳарйили 150 минг сўмдан ортиқ фойда беради.

Заводда ўртоқ Акиншин каби новаторлар ўнлаб ҳисобланадилар. Жумладан, С. Шаров, М. Хроботова, Ф. Димирис, М. Егоров, В. Калюжин, В. Чернявский ўртоқлар шулар жумласиндир. Бу ўртоқларнинг ҳарбири бешинчи бешйиллиннинг ўтган даври мобайнида миллионларни иқтисод қилиш ва шу асосда жамоат бойлигини кўпайтириш имконини беручи 20—35 тадан таклиф киритдилар.

Тошкентдаги К. Е. Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлик заводининг коллективи ўз новаторлари блан ҳақли равишда фахрланади. Корхона рационализаторлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг «Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш учун бошланган курашда олдинги сафларда бормоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони блан саноат корхоналари ишини яхшилашга ёрдам берадиган рационализаторлик таклифлари учун Тошкент шаҳар саноат корхоналаридаги энг яхши рационализатор ва ихтиро'чилар қатори «Ташсельмаш» заводи коллективидан ҳам етти киши: токарь — С. Акиншин, контролер Ф. Димирис, технологлардан М. Егоров, В. Калюжин, инженер-конструктор М. Хроботова, цех бошлиғи В. Чернявский ва наладчик С. Шаров ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотландилар.

Суратда: Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотланган «Ташсельмаш» заводи рационализаторларининг бир группаси, (чапдан ўнгга): **В. Чернявский, В. Калюжин, С. Шаров, ва М. Егоров** ўртоқлар.

Тўқимачиларнинг меҳнат вахтаси

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи партия XX с'езди шарафига меҳнат вахтасида туриб, меҳнатнинг ва машина-ускуналарнинг унумдорлигини ошириш резервларини қидириб топмоқдалар ва бу резервлардан фойдаланмоқдалар. Иккинчи йиғириш фабрикасида калвани янада энгчроқ қилиб ўрашга эришилди. Бунинг натижасида машиналарни заправка қилиш муддати анча узайтирилди, бу эса калавачиларнинг меҳнат унумдорлигини 25 процент ошириш имконини берди. Бу ерда йигирув машиналарининг 50 процентдан ортиқ қисми махсус қисмлар блан та'минланди. Бу тадбир ишчини кўп меҳнат талаб қиладиган операциядан қутултириш, ишлабчиқариш чиқитларини анча камайтириш имкониятини берди.

Иккинчи фабрика бир ме'ёрда ишлаб, графикни ошириб бажармоқда. Бу, тежалган ҳомаш'ёдан йиллик пландан ташқари 250 минг метр суруп, 42 тонна ип тайёрлаб чиқариш ҳақида ошириб олинган мажбуриятнинг бажарилишини та'минлайди.

Биринчи тўқиш фабрикаси 2-нчи цехининг илғор ишчилари қимматли ташаббус бошладилар. Улар орқада қолаётган ҳамма ишлабчиқариш участкаларини қисқа вақт ичида илғорларга етказиб олишга қарор қилдилар. Топшириқни бирнеча ойдан бўён бажармай келаётган 14-нчи комплектга ишлаш учун мастер ёрдамчиси коммунист ўртоқ Қаршибоев, малакали тўқучи Пўлатова ва Полунихина ўртоқлар ўтди. Ҳозир бу комплект илғорлар қаторидан жой олди.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Депутат—халқ хизматкори

Республикамиз пойтахти — Тошкентнинг саноатлашган Фрунзе райони йилдан-йилга юксалмоқда. Унинг жўшқин ҳаётида юз бераётган ҳарбир янгиликда, ўсиш ва ўзгаришда шу район меҳнаткашлари томонидан сайланган депутатларнинг катта ҳиссаси бор. Улар ташкилий-оммавий ишларда бевосита иштирок қилиб, ижроия комитетнинг фаолиятини оширмоқдалар, ўз сайловчиларининг наказларини сидқидил блан бажо келтирмоқдалар. Ижроия комитет сессия муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашда депутатларга, жамоатчилик активига суянмоқда.

Совет ҳузуридаги ўнта доимий комиссия жойлардаги корхона, муассаса ва ўқув юртлари жамоатчилиги блан ҳамкорликда ишлаб, актуал масалаларни ўз вақтида ижроия комитет олдига қўймоқдалар. Депутат Ўртоқ А. К. Сергеева раислик қилаётган халқ маорифи доимий комиссиясининг ҳар ойда бир марта йиғилиши бўлиб туради. Кейинги йиғилишда янги ўқув йилига тайёргарлик масалалари кўрилиб, комиссия а'золарига ма'лум топшириқлар берилган. Ҳозир комиссия а'золари жойларда мактаб ремонти бориши устидан контроль қилмоқдалар. Бу йил район мактабларининг капитал ва жорий ремонти учун 515 минг сўм маблағ ажратилган. Доимий комиссиянинг яқиндан кўрсатаётган ёрдами туфайли ремонт ишлари зарур материаллар блан та'минланган ҳолда, қизғин давом этмоқда. Иккита мактабнинг жорий ремонти тамомланиш олдида турипти.

Депутат Ўртоқ Башурулло Раҳматуллаев бошчилигидаги коммунал-хўжалик доимий комиссияси районни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларига катта аҳамият бермоқда. Депутатларнинг аҳоли блан ҳамкорлигида эрта баҳорда район территориясига 25 минг 653 туп дарахт кўчатлари ва 5 минг туп турли гул кўчатлари ўтказилди, тўртта жойда янги сквер очилди, 27 та мавжуд гулзорларнинг атрофи панжаралар блан ўраб олинди, педагогика институтининг спорт майдони кенгайтирилди ва зарур материаллар блан та'минланди. Ҳозирда бу комиссия а'золари меҳнаткашлар турар-жойлари ремонтининг боришини контроль қилмоқдалар. Ҳозиргача капитал ремонт учун ажратилган бир миллион 247 минг сўмдан 806 минг сўм ва жорий ремонт учун ажратилган 106 минг сўмдан 29 минг сўми сарфланиб, кўпгина турар-жойлар сифатли равишда ремонтдан чиқарилди. Районнинг Башлик посёлкасида яшовчи тўқимачиларнинг талабларига мувофиқ у ердаги водопровод трубалари тузатилди, 1 ярим километр узунликдаги тротуарларга асфальт ётқизилди.

Сталин номидаги Тошкент Тўқимачилик Комбинати бош инженерининг ўринбосари, депутат Александр Иванович Турков раислик қилаётган саноат доимий комиссиясининг депутатлари ишлабчиқаришнинг энг тор участкаларида бўлиб, у ердаги камчиликларни тузатишда корхона ма'муриятларига ёрдамлашмоқдалар. Масалан, райондаги Трикотаж фабрикаси Самарқандга кўчирилиб, унинг ўрнига илғариги ишчи кучлари, усқуналар базасида тикув фабрикаси ташкил этилди. Фабрика узоқ вақтлартача ўзини тиклаб ололмади, айниқса кишиларни тикув ҳунарини ўзлаштиришга, янги усқуналарни ўрнатиш ва уни ўзлаштириш корхона олдида энг қийин масала бўлиб турар эди. Доимий комиссия бу масала блан атрофлича танишди ва ўз йиғилишида фабрика директори ўртоқ Солихўжаеванинг докладини эшитди. Йиғилиш доимий комиссия а'зоси, тикувчилик мутахассислари техника мактабининг директори, депутат Анастасия Никитична Григорьевани бу корхонага ёрдам бериш учун вақтинча биркитиб қўйди. Ўртоқ Григорьева дастлаб, фабрикага мутахассис тикувчилардан камида 100 киши кераклиги ва ишчиларни ўқитиш йўли блан эришиш мумкинлигини аниқлади. Шу мақсад блан «Қизил тонг» фабрикасидан мутахассислар олиб, бу корхонада семинар ўтказишни Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва Ёқилғи саноати министрлигидан сўралди. Бу талаб дарҳол амалга оширилди. Собиқ трикотаж усталари ҳозирда кийим тикиш ҳунарини зўр ҳавас блан ўрганмоқдалар ва олган билимларини шу ернинг ўзидаёқ, амалий иш блан мустаҳкамламоқдалар. Бундан ташқари депутат ўртоқ Григорьева тикувчилар ўртасида «Меҳнатни ташкил қилиш», «Техникадан фойдаланиш қоидалари», «Бешинчи бешйиллик вазифалари» сингари темаларда доклад ва суҳбатлар ўтказди. Оқибатда фабрика нормал ишга тушиб, ишлайбошлади.

Шунингдек, саноат доимий комиссияси Корбарунд заводи блан Парфюмерия фабрикаси ҳузуридаги медицина-санитария бўлими бош врачининг ўринбосари, депутат ўртоқ Е. Г. Анасова) ҳам қониқарсиз ишлаётир. Комиссия депутатлари томонидан «Таштекстильмаш» заводида санитария-гигиена ишларининг аҳволи текширилиб, кўпгина камчиликлар юзасидан кўрсатмалар берилган эди. Лекин бу камчиликлар ҳанузгача тузатилгани йўқ. Заводнинг 5-нич механика ва 3-нчи темирчилик-пресс цехларида «аптечка» ўрнатилмаган, аксари вақтларда қайнатилган сув бўлмайди, ишчилар ошхонасида овқат сифатсиз тайёрланади. Доимий комиссия эса, ўзи текширган ишнинг оқибати нима бўлганлиги блан қизиқмайди

Депутат ўртоқ Тоҳир Қурбонов раислигидаги социал-та'минот ва ўқитучи А. Н. Громов раислигидаги ҳарбий-физкультура доимий комиссияларнинг кейинги сайловдан буён бирон марта ҳам йиғилишлари ўтказилмаган, комиссия а'золарига ҳеч-қандай топшириқлар берилмаган.

Фрунзе район меҳнаткашлари олдида турган муҳим вазифаларни муваффақият блан амалга ошириш ижроия комитетнинг оммавий-ташкилий фаолиятини янада яхшилашига, депутатларнинг халқ хизматкорлари сифатида сайловчилар томонидан берилган наказларни амалга ошириш учун курашига боғлиқдир. Депутатлар оммага яқин туриб, унинг истак ва талабларини ўз вақтида бажо келтириш учун курашишлари керак.

Сайловчилар ўз депутатларидан ана шуни кутадилар.

А. ТУЛИБОЕВ.

Депутатлар ҳисобот бермоқдалар

Тошкент шаҳар Москва райони «Ўқчи» маҳалла меҳнаткашлари, 76 мактаб биносида, Шаҳар Совети ва Москва район Совети депутатлари Зуфаров ва Қўчқорова ўртоқлар блан учрашдилар.

Депутатларнинг ҳисоботи муносабати блан чақирилган йиғилишда район Советининг депутати Зуфаров 1955 йилнинг биринчи ярмида район Советининг қилган ишлари — ободончилик, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва камчиликлар ҳақида сўзлаб берди.

Сайловчилардан М. Алимов, Ёдгоров ва Абдурахимова ва Л. Жимачкина ўртоқлар маҳаллада водопровод йўқлиги, кўчаларнинг, айниқса 5 Декабрь кўчаси ва Активний проездининг антисанитария аҳволда экани ва бошқа кўп камчиликлар ҳақида сўзладилар. Депутатлар сайловчиларнинг талаб ва таклифларини амалга ошириш учун чоралар кўражакларини айтдилар.

Ш. АЛИМОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Ўқув-педагогика давлат нашриёти қуйидаги дарсликларни нашр этди:

А. С. ПЧЁЛКО ва **Г. Б. ПОЛЯК.** «Арифметика» (бошланғич мактабнинг биринчи синфи учун дарслик). 176 бет, тиражи 100.000, баҳоси 1 сўм 15 тийин.

Профессор **К. В. БАЗИЛЕВИЧ**, профессор **С. В. БАХРУШИН**, профессор **А. М. ПАНКРАТОВА**, доцент **А. В. ФОХТ.** — «СССР тарихи» Биринчи қисм, (ўрта мактабнинг саккизинчи синфи учун дарслик, профессор **А. М. ПАНКРАТОВА** таҳрири остида). 268 бет, тиражи 60.000, баҳоси 5 сўм.

Профессор **К. В. БАЗИЛЕВИЧ**, профессор **С. В. БАХРУШИН**, профессор **А. М. ПАНКРАТОВА**, доцент **А. В. ФОХТ.** — «СССР тарихи» Иккинчи қисм, (ўрта мактабнинг тўққизинчи синфи учун дарслик). 352 бет, тиражи 35.000, баҳоси 5 сўм 20 тийин.

Профессор **К. В. БАЗИЛЕВИЧ**, профессор **С. В. БАХРУШИН**, профессор **А. М. ПАНКРАТОВА**, доцент **А. В. ФОХТ.** — «СССР тарихи» (учинчи қисм, ўрта мактабнинг ўнинчи синфи учун дарслик). 480 бет, тиражи 25.000, баҳоси 7 сўм 45 тийин.

Профессор **И. С. ГАЛКИН**, профессор **Л. И. ЗУБОК**, профессор **Ф. И. НОТОВИЧ**, профессор **В. М. ХВОСТОВ.** — «Янги тарих» (ўрта мактабнинг 9-нчи синфи учун дарслик. **В. М. ХВОСТОВ** таҳрири остида). 240 бет, тиражи 51.000, баҳоси 4 сўм 55 тийин.

А. П. КИСЕЛЕВ. — «Арифметика» (еттинчиллик ва ўрта мактабларнинг 5 ва 6-нчи синфлари учун дарслик), 160 бет, тиражи 60.000, баҳоси 1 сўм 90 тийин.

А. В. ПЕРИШКИН. — «Физика курси» (иккинчи қисм, механика, иссиқлик ва молекуляр физика. Ўрта мактабнинг IX синфи учун дарслик). 236 бет, тиражи 50.000, баҳоси 2 сўм 85 тийин.

А. С. ПЧЁЛКО ва **Г. Б. ПОЛЯК.** «Арифметика» (бошланғич мактабнинг IV синфи учун дарслик), 178 бет, тиражи 100.000 баҳоси 1 сўм 50 тийин.

А. А. АБРИКОСОВ. — «Чизмачилик» (биринчи қисм, еттиллик ва ўрта мактабларнинг 7-нчи синф ўқучилари учун қўлланма). 132 бет, тиражи 100.000, баҳоси 2 сўм 10 тийин.

Ю. И. ГОДЛИННИК ва **М. Д. КУЗНЕЦ.**— «Инглиз тили дарслиги» (тўлиқсиз ва ўрта мактабларнинг 5-нчи синфлари учун). 156 бет, тиражи 15.000, баҳоси 1 сўм 60 тийин.

М. М. ПЕТРЕНКО, М. В. ЯСТРЖЕМБСКАЯ. — «Немис тили дарслиги» (Ўрта мактабларнинг 5-нчи синфи учун). 212 бет, тиражи 25.000, баҳоси 2 сўм 25 тийин.

„Ўзбекистон хотин-қизлари" журналининг 8-нчи сони

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 8-нчи сони босилиб чиқди.

Журналнинг бу сонида Ўзбекистон КП Марказий Комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ Х. Муҳиддинованинг «Сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирайлик!» сарлавҳали мақоласи, Фарғона область, Олтиариқ районидаги Маленков номли колхознинг сут соғучиси Нусрат опа Солиевaнинг «Иш қизиб кетди» ҳикояси, тарих фанлари кандидати Р. Аминованинг «Хоразм области» сарлавҳали мақоласи ва бошқа мақолалар бор.

Журналда М. Даминованинг «Болаларни мактабга тайёрлашда ота-оналарнинг вазифалари», В. Исмоилованинг «Биринчи ёрдам» сарлавҳали суҳбатлари ёритилган.

Журналнинг бу сонида фельетон ва кўпгина қизиқарли кичик-кичик мақолалар босилиб, журнал чиройли ва манзарали фото суратлар блан безатилган.

Чеварлар артелида

Суратда: (чапдан ўнгга) артельнинг раҳбари Р. Тушакова ва цех бошлиғи А. Тугаева «Украинка» ва «Гуцулка» фасонида тикилган кўйлакларнинг сифатини текшириб кўрмоқдалар.

В. Салов фотоси.

☆ ☆

Агар сиз республикамиздаги қайсибир магазинга кирсангиз гулдор шоҳи сўзана, ҳархил рангда-ранг духоба ларга, шоҳ ипларга, гул тикилган чойшаб, зардевор, эшик пардалари ва ипак жиянли дўппи каби бадиий буюмларга кўзингиз тушади. Ҳарбир оилацинг уйини безайдиган бу буюмларнинг кўпчилигини Тошкентдаги Сталин номли артельнинг чеварлари тиккан.

«Узхудожшвейпромсоюз» системасидаги бу артель 1939 йилда ташкил қилинган. Артель йилдан-йилга кенгайиб, унинг Қоратош, Сарбон каби кўчаларда 6 филиали ташкил қилинди. Артель филиалларига маҳаллалардаги уй иши блан шуғулланучи хотин-қизлар жалб этилди. Дастлабки даврда 80 киши блан иш бошлаган артель коллективи ҳозир 850 кишига етди. Артельнинг бирнеча цехи ишлаб, у янги техника блан қуролланмоқда. Бу янги механизмларни коллектив яхши ўзлаштирмоқда ва меҳнат унумдорлигини оширмоқда.

Мана, механизациялашган попон цехи. Бунда ҳарбир минут саноқли. Андозачилар материалларни газлайдилар, гул босучилар чойшаб ва гул кўрпаларга чиройли нусхаларни танламоқдалар, тақсимловчилар эса гул босилган материалларни чевар қизларга узатаётирлар. Чевар қизлар бўлса ҳархил духоба ва шойи чойшапларга ранг-баранг ипаклардан гул тикмоқдалар.

Артель ташкил қилингандан бери ишлаётган Ҳайри Собирова, Зайнаб Ҳасановалар попонда гулкўрпа, чойшапларга гул тикишда сўзаналарни чиройли ва сифатли қилиб тикишда отоқли мастер ҳисобланадилар. Булар мастерлик қилаётган цехда Зарофат Абдувоҳидова, Қумри Исломова ва Ким'ё Расулевалар сингари илғорлар смена топшириқларини 200—250 процентдан ало этиб, ҳозир 1956—1957 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Ишлабчиқариш технологиясининг мукаммаллашишидан мамнун бўлган, Хайриопа Собирова дейди:

— Машиналарнинг садағаси кетсанг арзийди. Биз артельга янги келган вақтимизда сўзаналар ва дўппиларнинг деярли ҳаммаси қўлда тикилар эди. Битта гулкўрпани бирқанча аёллар биргалашиб, бирнеча кунда тикар эдилар. Ҳозир эса ҳамма ишлар механизациялаштирилган. Ҳатто кўпчилик дўппиларнинг гули ҳам машинада тикиладиган бўлди.

Артельда янги техникани бошқараётган ўнлаб хотин-қизлар борки, улар социалистик мусобақанинг илғори бўлиб, уз маҳратларини тобора оширмоқдалар. Ана шундай илғорлардан Қумри Тожиева, Дилбар Валиева ва Шаҳодат Қамбарова ўртоқлар кечагина шогирдликдан чиқиб, чевар номини олмоқдалар. Улар смена топшириқларини 150-200 процентдан бажариб, а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаётирлар.

Артельда зебу-зийнат буюмларига гул тикишдан ташқари тайёр кийимларга, жумладан аёллар блузкаси, украинча кўйлак, дастурхон, дераза парда, салфетка, ёстиқ жилдлари каби уй жиҳозларига ҳам гуллар тикилади. Артель чеварлари меҳнаткашларга нафис гуллар тикилган сифатли ва кўркам буюмларни тақдим этиш блан республикамиздагина эмас, Иттифоқимизда ҳам донг чиқармоқдалар. Артельда ишлаб чиқарилаётган бундай 70 хилга яқин ҳархил зебу-зийнат буюмлари Иттифоқимизнинг ҳамма томонларига, халқ демократик мамлакатларига ҳам юборилади. Артель маҳсулоти Москва ва Ленинград, Челябинск ва Новосибирск шаҳарларининг магазиналарида ҳам сотилмоқда. Чеварларнинг тиккан ажойиб буюмлари Пекин ва Лейпциг, Милан ва Стамбул ҳамда Венадаги халқаро ярмарка ва виставкаларга ҳам қўйилди, ва юқори баҳо олди.

Артель ишчилари ички резервлардан унумли фойдаланишлари натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш имкониятига эга бўлмоқдалар. Ўтган йили пландан ташқари 2 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган эди. Бу йил қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари асосида бирқанча ташкилий-техника тадбирлари белгиланди.

Артельда меҳнат унумдорлиги кўтарилиб ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 16,3 процент ортди. 7 ойлик план муддатидан илгари бажарилиб, қўшимча равишда бирнеча юз минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб берилди. Шу кунларда артель коллективи бешйиллик топшириқни муддатидан илгари — 7 ноябрьгача бажариш учун кучга-куч, гайратга-гайрат қўшиб ишламоқда.

М. ЗИЁМУҲАМЕДОВА.

Давлат плани—ҳарбир корхона учун қонундир

Социализмнинг асосий иқтисодий қонуни ва халқ хўжалигининг планли (пропорционал) ривожланиш қонуни талабларини ўзида акс этдирган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш планлари Совет давлати қўлида миллион-миллион кишиларнинг меҳнатини ташкил этучи ва йўлга солучи куч бўлиб хизмат қилмоқда. Социалистик мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бешинчи бешйиллик планини тўла ва муваффақиятли якунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганининг «Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида»ги доклади бўйича қарор қабул қилди. Пленум ҳужжатларида социалистик саноатимизнинг бешинчи бешйиллик план вазифаларини бажаришдаги ба'зибир якунлари ва саноатни янада тараққий қилдиришга қаратилган муҳим тадбирлар кўрсатиб берилган.

Бешинчи бешйиллик планни бажаришдаги дастлабки ва энг муҳим якунлардан бири шуки, бешйилликда белгиланган план саноат ишлабчиқаришининг умумий ҳажми бўйича муддатидан олдин — 1955 йил 1 майда, я'ни 4 йилу тўрт ойда бажарилди. Бунинг натижасида саноат ишлабчиқариши беш йил ичида 1950 йилга нисбатан 70 процентга ошди. Шу блан бирга социалистик планлашнинг илмий негизларга асосланганлигини ва хўжаликка раҳбарлик қилишда муҳим роль ўйнаётганлигини бутун дун'ёга яна бир мартаба намойиш қилди.

Саноат соҳасидаги бешинчи бешйиллик план вазифаларининг муддатидан олдин бажарилишини ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг тўхтовсиз ривожланишини та'минлашда партиямизнинг оғир саноатни устун даражада тез сур'атлар блан ривожлантиришга қаратилган бош йўлини изчиллик блан амалга ошириш ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлди. Бешинчи бешйиллик план бўйича ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни тахминан 80 процент ошириш кўзда тутилган эди. Бу вазифа ҳозирда ошириб бажарилмоқда. Ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 1955 йилнинг охирига 3ориб, 1950 йилга нисбатан 84 процент ўсади ва Совет Иттифоқи бутун саноат маҳсулотининг 70 процентдан кўпроғини ташкил қилади.

Оғир индустрия бундан буён ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараганда тезроқ ривожлантирилади, чунки оғир саноатни ривожлантириш даражаси қанчалик юқори бўлса, совет халқининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари шунчалик тез қондирилади, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш янада тезлаштирилади.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг асосий шарти техникани барча янги ютуқларини қўллаш асосида бутун халқ хўжалигини электрлаштириш, барча иш процессларини комплекс механизациялаш, ишлабчиқаришни автоматлаш ва химиялаштиришдир. Коммунистик партия мамлакатимизни электрлаштириш ҳақидаги В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, бешинчи бешйиллик давомида янги электростанциялар қуришни гоят кенгайтириб юборди. Ҳозир мамлакатда қурилаётган гидроэлектростанцияларнинг қуввати 1954 йил бошланишигача совет мамлакатида ишлаб келган ҳамма электростанцияларнинг қувватидан уч баробар ошиқ бўлади. Бу электростанцияларнинг ишга тушиши блан Совет Иттифоқи электр қуввати ишлабчиқариш жиҳатидан дун'ёда иккинчи ўринни олади.

Машинасозлик социалистик индустриянинг ўзагидир. Бизнинг машинасозлик саноатимиз бешйиллик план топшириғини белгиланган муддатдан 8 ой илгари бажарди. Шунга асосан 1955 йилда машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг умумий ҳажми 1950 йилга нисбатан икки мартаба ортади. Бунинг натижасида халқ хўжалигини машиналар, станоклар, умуман янги техника блан та'минлаш янада кенгайтирилади.

Давлат планини бажаришда бошқа хил камчиликлар ҳам учрайди. Айрим корхоналар планни ялпи маҳсулот бўйича бажариб, номенклатура бўйича бажармайдилар. Бу практика халқ хўжалигини планли (пропорционал) ривожлантириш қонуни талабларига мос келмайди. Бирор хил ассортимент бўйича планнинг бажарилмаслиги халқ хўжалигини шу хил маҳсулотлар блан та'минлашга зарар беради ва ишлаб чиқарилган нотўғри маҳсулотлар учун корхоналарга ортиқча пул тўланади. Корхоналар ишлабчиқариш планини фақат ялпи маҳсулот, номенклатура жиҳатидан бажариш блан чегараланмасдан, балки планнинг сифат кўрасткичларини ҳам тўла бажаришга эришишлари керак. Корхона ишининг сифат кўрсакичларига меҳнат унумдорлигини ошириш, рентабельликни та'минлаш, ишлабчиқариш воситаларидан унумли фойдаланиш ва бошқа кўрсаткичлар киради. Бу сифат кўрсаткичлари маҳсулот таннархининг камайишида ўз ифодасини топади. Маҳсулот таннархини камайтириш планини бажариш корхонанинг рентабель ишлашининг асосидир. Маҳсулот таннархининг ошиши эса, корхонанинг жамғармасини камайтиради ва зарар кўришга олиб боради. 1954 йилда областьдаги айрим корхоналарнинг қониқарсиз ишлашлари натижасида маҳсулот таннархи 75 миллион сўмга ошиб кетди. Бундай кўнгилсиз аҳволнинг юз беришига сабаб шуки, айрим корхоналарда ҳали ҳам планни штурмчилик блан бажариш давом қилаётир. Штурмчилик натижасида маҳсулот сифати пасайиб кетади, брак кўпаяди. Ма'лумки, ишлабчиқаришдаги брак — корхоналарнинг маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида берилган топшириқларни бажармасликларининг сабабларидан биридир. 1954 йилда область корхоналари бўйича бракдан кўрилган зарар ва унумсиз ҳаражатлар 105 миллион сўмни ташкил қилган.

Корхоналарда давлат планини бажаришда ва маҳсулот таннархини камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. «Бизнинг мамлакатимизда, — дейди, ўртоқ Булганин, — техникани янада тараққий этдириш учун кураш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини системали суратда ошириш учун кураш — иқтисодий сиёсатимиз асосларининг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади». Областимиздаги ба'зи корхоналарда давлат планининг бажарилмаётганига ва меҳнат унумдорлигини ошириш та'минланмаётганлигига сабаб, уларда фан ва техника янгиликларининг суст жорий қилинаётганлигидир. Оҳангарон кўмир конининг шахталарида, разрезларида техникадан фойдаланишда мамлажатимиздаги илғор корхоналардан анча орқада қолинмоқда. Бу каби ҳоллар областимиздаги бирқанча саноат корхоналарида ҳам мавжуддир.

Давлат планининг ҳарбир корхона томонидан бажарилишини та'минлаш министрликлар, бошқармалар ва молия органлари томонидан контрольликни кучайтиришни талаб қилади. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида кўрсатилганидек, министрликлар, бошқармалар, корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари хўжалик юргизишни асосий методи бўлган хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга етарли даражада э'тибор бермаётирлар. Жумладан, областимиздаги Чирчиқ ойна заводи, Олмалиқ гишт заводи ва Тошкентдаги янги қурилиш материаллари заводлари ёмон ишламоқда. Бунга сабаб шуки, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги томонидан бу заводларнинг иши устидан етарли контрольлик қилинмаётир.

Давлат плани—ҳарқайси министрлик, главка, корхона учун қонундир. Вазифа: давлат планининг ҳарбир корхона томонидан белгиланган номенклатураларда бажарилишини та'мин этиш, янги техникани жорий қилиш блан бирга техник-иқтисодий кўрсаткичларни сўзсиз бажаришни та'минлаш, ички резервлардан унумли фойдаланиш ва иқтисодий тежашни изчиллик блан амалга ошириш асосида маҳсулот таннархини системали равишда камайтириб бориш, меҳнат унумдорлигини юқори кўтариш, барча корхоналарнинг рентабель ишлашларини та'минлашдан иборатдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан илҳомланган областимиздаги барча саноат корхоналарининг коллективлари мамлакатимиздаги илғор саноат корхоналари коллективлари томонидан КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатда активлик кўрсатадилар, Пленум қарорларини изчиллик блан амалга ошириш учун курашадилар ва мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ҳ. СОБИТОВ,
иқтисодий фанлар кандидати.

Пойафзалчилар клубида

Шаҳардаги 1-нчи пойафзал фабрикасининг клуби ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ва уларнинг болаларига маданий хизмат кўрсатишни тобора яхшиламоқда.

Клуб совети қат'ий иш планига эга. Планга мувофиқ фабрика ишчилари учун ҳар ойда турли темаларда 5—7 марта лекция ўқилади. 4—5 марта илмий оммабоп фильмлар кўрсатилади, ҳамда 6—8 марта тематик ва дам олиш кечалари ташкил этилади.

Клубда биргина июль ойида фабрикининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари «Фабрикада ўрнатилган янги техникани ўрганиш ва ўзлаштиришнинг бориши ҳақида», «СССРда техника прогресси», «Бир минут иш вақтининг йўқотилиши нималарга сабаб бўлади?» «Билим манбаи—китобни севинг» каби темаларда лекция тингладилар.

Тематик ва дам олиш кечаларида эса Муқимий номидаги музикали драма театрининг ижодий коллективи, СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати М. Ашрафий, бир группа олимлар блан учрашувлар ўтказилди. «Ўз ҳунарингизни севингиз ва уни пухта эгаллангиз» темасида ёш ишчилар блан кекса ишчиларнинг учрашув кечаси мароқли ўтказилди.

Ҳозир клуб совети август ойи плани асосида иш олиб бормоқда. Клуб совети планда белгиланган 5 лекция, 3 марта илмий-оммабоп фильм кўрсатиш ва 2 тематик кечани муваффақиятли ўтказиш учун зарур тадбирларни амалга ошираётир.

Колхозда ободончилик

Чиноз районининг Вревский қишлоқ советидаги Будённий номли колхоз правлениеси колхоз қишлогини обод ва кўркам қилиш учун катта э'тибор бермоқда.

Колхозда қисқа вақт ичида 120 болага мўжалланган ясли, ҳаҳаматли кутубхона, кўркам ва кенг мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, янги типда иккита сигирхона, битта бузоқхона, иккита силос иншооти қуриб битказилди. 4000 метр узунликдаги йўлга шағал ётқизилиб, асфальт қилинди. 600 ўринли клуб биноси қурилиши қизитиб юборилди.

Кўсакларнинг кўпайиши ва барвақт пишиб етилиши учун курашайлик!

☆

Илғор механизаторлар

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қароридан руҳланган Мирзачўл районидаги 2-нчи МТСнинг Васильевский номли колхозда хизмат қилаётган комсомол а'зоси ўртоқ Т. Ҳасанов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Механизаторларнинг ҳарбири мавсумда 1200 гектардан ердаги ғўзани парвариш қилиб бериш мажбуриятини олган эдилар. Улар ўз мажбуриятларини шараф блан бажариш учун гайрат блан ишламоқдалар. Айниқса Бинали Бодиров ва Умар Мадатов ўртоқлар фидокорона меҳнат қилиб, колхозда ва МТС да ҳурматга сазовар бўлмоқдалар. Бу илғор механизаторларнинг ҳарбири ўтган йили 1100 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб берган бўлса бу йил мавсумда 1200 гектар ерда иш бажариш учун ўз зиммаларига конкрет мажбурият олиб, ғўза культивациясини қизғин давом этдирмоқдалар.

Шунингдек, Сталин номли колхозда хизмат қилаётган универсалчи ўртоқ Етмиш Муҳамедов ҳам социалистик мусобақа илғорларидандир. У, ўз агрегатидан тўла ва унумли фойдаланиб, кунлик нормани ошириб бажармоқда. Ўртоқ Муҳамедов ҳозиргача 1050 гектар ердаги ғўзани парвариш дан чиқарди.

Х. САГИЗОВ.

Гектаридан 40 центнердан пахта етиштирилади

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг коммунист ўртоқ Болабек Нурлибоев бошлиқ бригадаси ўтган йил ўз бригадасида ишни яхши уюштириб, мўл ҳосил етиштирганлиги учун бу йил Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик выставкасига қатнашиш шарафига эга бўлди. Бу воқиа бригада а'золарини гоят руҳлантирди, улар гайратларига-гайрат қўшиб, бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Бригада а'золари чигит экканда бошлаб, то ҳозиргача ғўза парваришини ҳечбир сусайтирмасдан давом этдираётирлар.

Бригаданинг ўртоқ Ақилбек Ўтаев бошлиқ звеносида ғўзалар, айниқса яхши парвариш қилинади. Звено а'золари ўзларига қарашли 16,5 гектар ердаги ғўзани ҳозиргача 5 марта культивация, 5 марта чопиқ қилдилар ва ўз вақтида суғариб турибдилар. Ғўзалар май ойи ўрталарида озиқлантирилган эди. Шундан кейин яна икки марта озиқлантирилди. Звено а'золари ғўзаларнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, август ойида яна бир марта комплекс парвариш қилиш, ўсимликнинг тобига қараб етарли даражада суғаришни планлаштирдилар. Улар ҳарбир участкадаги ҳосилнинг ҳозирги кўринишини кўздан кечириб чиқиб, бу йил ҳар гектар ердан камида 42 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Бу звеноннинг ташаббуси бригаданинг бошқа звеноларида ҳам қўллаб-қувватланди. Бригадада бўлган йиғилишда партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларга қарата ёзган Мактуби муҳокама қилиниб, август ойида ғўзани парвариш қилиш тадбирлари белгиланди. Колхозчилар бу тадбирларни қунт блан амалга ошириб, 61 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан пахта топширишга аҳд қилдилар.

В. БОҚИБОЕВ.
П. ЭРТОЕВ.

Юқоричирчиқ районидаги Андреев номли колхозда ғўзалар кеча-кундуз қон дириб суғорилмоқда. Суратда (чапдан ўнгга): сувчи А. Муродов, 2-нчи звено бошлиғи Н. Дўсматов ва колхоз ҳосилот советининг раиси О. Отабоев ўртоқлар тунги суғориш сифатини текшириб кўрмоқдалар.
М. Шевелев фотоси.

Ўртасаройлилар ҳосилга яна ҳосил қўшишлари керак

Ўртасарой районининг азамат колхозчилари ва механизаторлари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, пахта мўл ҳосили учун курашда яхшигина натижаларга эришганлар. Кўпгина бригада ва звеноларнинг далаларида астойдил тер тўкиб етиштирилган ва ҳозир ҳосилига-ҳосил қўшилаётган ғўзалар бундан далолат беради.

Лекин райондаги ҳамма колхозларда, бригада ва звеноларда ҳам иш бирхилда намунали ташкил этилганда эди, янада яхши натижага эришилган бўлар эди. Айрим бригада ва звеноларда ғўза парваришининг яхши ташкил этилмаганлиги ҳосилнинг бир қисмининг қўлдан бой бериб тўйилишига сабаб бўлмоқда. Колхозларда қўлга киритилган дастлабки муваффақиятлардан хотиржам бўлиб, ишни бўшаштириб юбориш, айрим ерларда ғўза парваришини ҳатто тўхтатиб қўйиш, ғўзанинг кўкига қараб унинг ҳосилга-ҳосил қўшиш учун ишни янада зўр бериб давом этдирмаслик кайфиятлари сезилмоқда.

Шу кунларда пахта далаларида ишга яроқли колхозчиларнинг фақат 65 — 70 процентигина ишламоқда. Шунингдек, мавжуд тракторларнинг бир қисми тўхтатиб қўйилган. От-уловдан эса мутлақо ёмон фойдаланилаётир.

Натижада деярлик ҳамма ерда ғўзани ўт босган. Биз, мусобақадош Андижон областидан келган ўзаро текшириш бригадасининг а'золари колхозларда бўлган вақтимизда ана шу ҳолни учратдик.

Жданов номли колхознинг ўртоқ Файзи Содиқов бошлиқ бригадасида ғўза парваришни сусайтириб юборилганлиги туфайли 15 гектар ердаги ғўза ўт ичида қолиб кетган. Бригадада ҳосилни тўла сақлаб қолишнинг асосий шартларидан бири бўлган суғориш ишига етарли э'тибор берилмаётир. Бригаданинг ўртоқ Икромов бошлиқ звеносида 6 гектар ердаги ғўза сувдан қолдирилган. Натижада ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлган. Ана шундан кейингина шошиб-пишиб, ёпасига бостириб суғорилган, бу ерлардаги ғўза культивация қилинмаётир.

Ўртоқ Карим Низомов бошлиқ бригадада эса айрим пайкалларда эгат очиридаги 5—6 метр ерда ғўзалар культивация қилиш вақтида нобуд қилинган. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ғўза тупларининг тўлиқ бўлиши кўп жиҳатдан муҳимдир. Броқ колхоз раҳбарлари (раиси Зокиров, партия ташкилотининг секретари Юсупов ўртоқлар) бунга етарли аҳамият бермаётирлар.

Бригадада культивация ва суғоришни бир-бирига боғлаб олиб бориш масаласига ҳам э'тибор қилинмаган. Ўртоқ Мирзааҳмат Мирзакаримов бошлиқ звенода бундан 15 кун илгари суғорилган ғўзалар шу вақтгача культивация қилинмаган. Иккинчи звенода эса ғўзалар жуда чанқатиб қўйилган ва натижада ўрта шохлардан 3—4 тасидаги ҳосил тўкилиб кетган.

Шунингдек, бригадада чеканка ҳам сифатсиз ва нотўғри ўтказилган. У, бўй шохлардагина ўтказилиб, ён шохлар қолдириб кетилган. Икки томондаги ғўзанинг ён шохлари ўсиб, бир-бирига кириши кетган. Бу эса ҳозир ғўзани культивация қилишга йўл қўймаётир.

Свердлов номли, Молотов номли ва бошқа колхозларда ҳам шу аҳволни кўрамиз. Свердлов номли колхознинг Абдурахмон Сарбоев ва Акбарали Икромов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида культивация қилинмай, устма-уст сув қўйилгани туфайли ғўзалар ғовлаб кетган. Айрим пайкаллардаги ғўзалар эса ёпасига бостириб суғорилган.

Молотов номли колхознинг ўртоқ Ян-Хо Нам бошлиқ бригадасининг биринчи звеносида зовурлар тозаланмаган. Натижада ерости сувлари юзага уриб кетган ва бу, пахта ҳосилининг тез пишиб етилишига халал бераётир.

Яна шу нарса характерлики, кўпчилик колхозларда пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Далачилик бригадаларидаги мавжуд дала шийпонлари кўнгилдагидек жиҳозланмаган ва колхозчиларнинг маданий дам оладиган ерига айлантирилмаган. Колхозчилар иссиқ овқат блан та'минланмайдилар.

Свердлов номли колхознинг ўртоқ Абдулла Норсўфиев бошлиқ бригадасида колхозчиларга 8—10 кундан буён на газета ўқиб берилган ва на суҳбат ўтказилган. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Х. Холматов эса хўжалик ишлари блан кўпроқ шуғулланиб, партиявий-сиёсий ишларга етарли э'тибор бермай қўйган.

Ўртасарой районининг колхозларида ғўза парваришида жиддий камчиликлар бор. Ёндиги вазифа ана шу йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф қилиш учун зарур чоралар кўриш ва август ойининг охиригача белни маҳкам боғлаб, ғўза парваришини қизғин давом этдиришдан иборатдир. Биз ўзаро текшириш бригадасининг а'золари мусобақадошларимиздан ана шуни талаб қиламиз.

А. МАЛЬЯН.
Андижон область, Сталин район партия комитетининг секретари.
Е. ДОБРОСМИСЛОВ,
Андижон область сув хўжалик бошқармасининг старший инженери.
Ҳ. ЙУЛДОШЕВА,
Булоқбоши районидаги Саидобод қишлоқ советининг раиси
Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

Кинотеатрларда бўлаётган ба'зибир тартибсизликлар ҳақида

— Алло, алло... — телефон қилучи аёл жавоб ололмаслигини билса ҳам негадир у трубкага бир-икки марта пуф-пуф қилиб, кутиб турди. Орадан 4—5 минут ўтди. Кейин, телефон қилинган ташкилотда ҳечким йўқлигига қаноат ҳосил қилди шекилли, трубкани илиб қўйди. Унинг жаҳли чиққан, вужуди титрар, гапираолмай бўғилар эди.

Ходимлар аёлнинг атрофини ўраб олиб «Нима бўлди» дегандек унга тикилишди. Аёл эса асабийлашиб:

— Йўқ! Ҳечким йўқ! Билмайман, бу ҳол қачонгача давом этаркин... телефон қиласан, акт ёзасан, барибир ҳечқандай фойда бермайди, — деди.

Бу сўзни эшитган ходимларнинг ҳавсаласи пир бўлди, сувга бўккан нондек бўшашиб кетишди. Аёл яна бирнеча ташкилотга телефон қилди, броқ ҳечқандай ижобий натижага эришаолмади...

Аёл — «Ёш гвардия» ва «Хива» кинотеатрининг администратори Сапия Мирзакаримова эди. Мирзакаримова безорилик қилган икки болани кабинетига олиб киришга олиб кирди-ю, лекин нима қилишини билмай қолди. Чунки у болаларнинг биридан: «Исминг нима, қаерда ўқийсан, отанг ким?» деб сўраганда бола: «84-нчи мактабда ўқийман, исмим Исҳоқ фамилиям Ҳасанов» деб жавоб берди. 84-нчи мактаб ма'муриятига телефон қилинди. Аммо мактаб ма'муриятидан «Бунақа бола бизда ўқимайди» деган жавоб олинди. Бола 27-нчи мактабда ўқишини айтди. Жавоб аввалгидек... Иккинчи бола ҳам исми, адресини айтмай хуноб қилди.

Ниҳоят, нима қилишини билмаган Мирзакаримова 13-нчи милиция бўлими ҳузуридаги болалар уйига телефон қилди. Лекин жавоб ололмади. Администраторни тажанг қилган нарса ҳам ана шу эди...

Ҳақиқатан кинотеатр олдида бундай тартибсизликлар ҳаркуни учраб туради. Мирзакаримова ҳам зерикмасдан гоҳ 13-нчи милиция бўлимининг бошлиғи Нўғойбековга, гоҳ шаҳар ижроия комитетининг маданият бўлимига телефон қилади, ёрдам беришни сўрайди, броқ аҳвол аввалгидек ўзгармасдан қолаверади.

Биров маст ҳолда кинотеатр эшиги олдига келиб жанжал қилса, бошқа бири юзингда кўзинг борми демай, навбатда турганларни итариб-суриб, навбатсиз билет олишга уринади...

Кинотеатрда юз бераётган тартибсизликлар ҳақида Мирзакаримова бирнеча марта акт ёзиб район милиция бўлимига, бошқа тегишли ташкилотларга юборди. Броқ негадир милиция бўлими ҳам, тегишли ташкилотлар ҳам акт юзасидан текшириш ўтказиб, безориларнинг танобини тортиб, мавжуд тартибсизликни тугатишда кинотеатр ма'муриятига ёрдам бермаётир.

Шу йилнинг июлида Ички ишлар министрлигининг ходими лейтенант А. Алексеева «Искра» кинотеатри кассасидан олинган билет блан «Хива» кинотеатрига кирмоқчи бўлди. Мирзакаримова унга бу кинотеатрга янглишиб келганини айтганда, у куракда турмайдиган сўзлар блан ҳақорат қилди, чайқовчи деди, бу ҳам камлик қилгандай Мирзакаримованинг бошига мушт солди, тўполон қилди. Бу ҳақда акт ёзилиб, шаҳар ижроия комитети маданият бўлимига топширилди. Броқ акт ҳамон ҳаракатсиз ётипти. Шунга ўхшаш акт 50 дан ортиқ...

Шаҳар комсомол комитетининг февраль ойида бўлиб ўтган пленумида кинотеатрлар аҳволи муҳокама қилиниб, уларнинг ишига яқиндан ёрдам бериш юзасидан қарор қабул қилинган эди. Пленумда

Корея озод қилинган кунининг ўнйиллиги байрамига келган Совет ҳукумат делегация а'золарини Ким Ир Сен қабул қилди

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Корея марказий телеграф агентлигининг хабарида айтилишича, кеча Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен Корея озод қилинган кунининг ўн йиллик байрамида қатнашмоқ учун КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Б. Аристов бошчилигида Пхеньянга келган Совет ҳукумат делегацияси а'золарини қабул қилди.

Қабул маросимида Корея Меҳнат партияси Марказий комитети раисининг ўринбосари Пак Ден Ай, Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинети раисининг ўринбосарлари Пак Чан ОК, Цой Чан Ик, Тен Ир Лен ва Пак И Ван, ташқи ишлар министри Нам Ир ҳозир бўлдилар.

Кеча Совет ҳукумат делегациясини Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий халқ Мажлиси Президиумининг раиси Ким Ду Бон ҳам қабул қилди.

КОРЕЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА ОЗОДЛИК КУНИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Бугун, Корея озод қилинганига ўн йил тўлган кунда, я'ни корейс халқининг миллий байрами кунида Пхеньянда ҳарбий парад бўлди ва меҳнаткашларнинг катта намойиши ўтказилди.

Парад вақтида марказий трибунада Корея Меҳнат партиясининг, Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Корея Бирлашган демократик ватан фронтининг раҳбарлари Ким Ир Сен, Ким Ду Бон, Пак Ден Ай, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Б. Аристов бошчилигида Совет ҳукумат делегациясининг а'золари, Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари Чжу Дэ бошчилигида Хитой Халқ Республикаси делегациясининг а'золари, ишлабчиқариш илғорлари, партия, давлат ва жамоат арбоблари, қардош мамлакатларнинг дипломатик вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қўшинлар парадини Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинети раисининг ўринбосари ва миллий мудофаа министри вице-маршал Цой Ен Ген қабул қилди.

Параддан кейин Пхеньян меҳнаткашларининг байрам намойиши бошланди ва икки соат давом қилди. Намойишда 300 минг киши қатнашди.

Корея Халқ-Демократик Республикасининг бошқа шаҳарларида ҳам бугун Озодлик куни муносабати блан оммавий намойишлар бўлди.

ФРАНС ПРЕСС АГЕНТЛИГИ МУХБИРИНИНГ САВОЛЛАРИГА ХО ШИ МИННИНГ ЖАВОБЛАРИ

ПЕКИН, 15 август. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Ханойдан қўйидагиларни хабар қилди:

Вьетнам информация агентлигининг хабарида айтилишича, президент Хо Ши Мин Франс Пресс агентлигининг Ханойдаги мухбири томонидан берилган бирқанча саволларга жавоб қайтарди:

Савол: Сиз президент жаноблари, ўзингиз Пекинда ва Москвада имзолаган Хитой-Вьетнам ва Рус-Вьетнам битимларининг чинакам эркин ва ҳамияти ва бўлиши мумкин бўлган оқибатлари тўғрисида бирор нима айтиб бераоласизми?

Жавоб: Хитой Халқ Республикаси ҳукумати блан ва СССР ҳукумати блан тузилган битимлар асосида биргаликда э'лон қилган баёнотларимизда мазкур қардош мамлакатлар томонидан бизга бериладиган ёрдам ҳақида гапирилган. Бу ёрдамнинг мақсади урушда етказилган жарохатларни тузатишдан, мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий ҳаётини тиклашдан иборатдир.

Савол: Сиз, президент жаноблари, Ханойга қайтиб келган кунингизнинг эртасида сўзлаган нутқингизда Вьетнамга Хитой ва Совет томонидан бериладиган ёрдамларни рақамлар блан кўрсатиб, халқ Хитойидан 1.224 миллиард пиастр ва СССР дан 306 миллиард пиастр ёрдам берилишини айтган эдингиз. Сиз, президент жаноблари бу ёрдам қандай шакларда берилишини ва шу ёрдамдан Вьетнамда қайси асосий тармоқлар манфаат кўришини аниқроқ қилиб айтиб беролмайсизми?

Жавоб: СССР ва Хитой бизни ҳархил материаллар, машиналар ва мутахассислар блан та'минлаб турадилар. Мамлакатимизнинг экономикаси ва маданияти бу ёрдамдан манфаат кўради.

Савол: Президент жаноблари, Хитой-Вьетнам ва Рус-Вьетнам битимлари тузилгандан кейин ҳам Франция Вьетнамда бирмунча роль ўйнаши мумкинми? Агар шундай бўлса, Вьетнамда Франциянинг қандай роль ўйнаши мумкинлигини Сиз қай тахлитда тасаввур қиласиз?

Жавоб: Биз илгари ҳам бирнеча марта айтиб ўтганимиздек, мутлақо тенглик ва ўзаро манфаатдорлик ҳамда, биринчи галда, ўзаро ишонч ва чинакам ҳамкорлик бўлган тақдирда Франция Вьетнамда иқтисодий ва маданий соҳаларда актив роль ўйнаши мумкин бўлар эди.

Савол: Келгуси йил июль ойида ўтказишга мўлжалланган ялпи сайловнинг қайси кунда ўтказилиши масаласига келганда, Жанубий Вьетнамдаги ҳукумат ма'мурлари ва ба'зи четэл давлатлар бўладиган ялпи сайловнинг ҳақиқатан эркин сайлов бўлиши лозимлигини та'кидлаган эдилар. Сиз, президент жаноблари, Вьетнам Демократик Республикасини ҳукумати бўладиган халқ консультацияларининг чинакам эркин консультациялар бўлиши учун вақти келганда қандай чоралар кўрмоқчи эканлигини айтиб бераоласизми?

Жавоб: Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ялпи сайловнинг ҳақиқатан эркин сайлов бўлиши учун, демократик эркинликларни (ташкилотлар ва йиғилишлар эркинлиги, матбуот ва пропаганда эркинлиги, сўз ва бемалол қатнашэркинлиги ва шу сингари эркинликларни) татбиқ қилишдан бошлаб зарур бўлган ҳамма тадбирларни кўриш ҳамда зарур бўлган ҳамма гарантияларни та'минлаш ниятидадир.

Савол: Совуқ муносабатлар уруши тамом бўлганлиги Женевада э'лон қилингандан кейин биринчи Хитой-Америка музокаралари тўғрисидаги хабар э'лон қилинди. Сиз, президент жаноблари, мана шу икки воқиа Ҳинди-Хитой проблемасини, айниқса Вьетнам проблемасини ҳал қилишга та'сир ўтказаолиши мумкин деб ҳисоблайсизми?

Жавоб: Менингча, «Буюк Тўртлар» кенгаши ва Хитой-Америка музокаралари халқаро кескинликни юмшатишга амалий ёрдам беради. Бу воқиалар Ҳинди-Хитой ва Вьетнам проблемаларига ҳам яхши та'сир ўтказиши мумкин бўлар эди. Лекин тўсқинликлар вужудга келтиришга ва Женева битимларини бузишга уринаётганларнинг найрангларига хотима берилиши лозим.

Савол: Сиз, президент жаноблари, ҳукуматингизнинг шу масалалардаги позициясини баён қилиб бераоласизми?

Жавоб: Бизнинг позициямиз ҳамиша: Женева битимларини қат'ий бажаришдан, мамлакатимизнинг тинч бирлашиши мақсадида ялпи эркин сайловни тайёрламоқ учун Жанубий Вьетнам ма'мурларининг вакиллари блан бизнинг ҳукуматимиз вакиллари ўртасида консультатив конференция ўтказишдан иборат бўлиб келди ва шу позициямиз асло ўзгартирилмайди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ СОНИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ҲАҚИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ЛОНДОН, 14 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг хабарида айтилишича, Англия ташқи ишлар министрлигининг вакили Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучлари сонини 15 декабрьгача 640 минг киши миқдорида камайтиришга қарор қилганлигини табриклаган.

Англия ташқи ишлар министрлиги вакилининг кеча кечқурун э'лон қилган расмий баёнотида бундай дейилади: «Совет ҳукуматининг бу қарорини Англия табриклайди, бу қарор Женева кенгаши натижасида халқаро муносабатлардаги вазият яхшиланабораётганлигининг оқибатларидан биридир».

НЬЮ-ЙОРК, 14 август. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, давлат департаментининг вакили Уайт бундай деган: «Умуман олганда, буни умид бағишлайдиган воқиа дейиш мумкин, афтидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссиясининг кичик комитетида шу ойнинг охирида бўладиган муҳокама вақтида бу масала қўзғолса керак». «Нью-Йорк таймс» газетаси ўзининг сарлавҳасида, Совет Иттифоқининг бу қарори Америка пойтахтида ҳайрихоҳлик блан кутиб олинди, деб уқтириб ўтади.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, сенатор-демократ Эллендер (Люизана штатидан) Совет Иттифоқининг қарори тўғрисида бундай деган: «Биз ҳам русларнинг истагига яраша иш қилишимиз керак».

ЛОНДОН, 14 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради: Вашингтондагилар Совет ҳукуматининг қуролли кучлар сонини камайтириш қарор қилганлигини халқаро вазиятдаги кескинликнинг камайтиришга кўшилган ҳисса деб табриклаганлар. Дипломатик доираларда, бу қарор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг иши яхши йўлда жўнашиб кетиши учун қулай белгидир, деб ҳисобламоқдалар. Кичик комитет шу ойда Нью-Йоркда ўз ишини бошлайди.

ДЕҲЛИ, 14 август. (ТАСС). Совет қуролли кучларининг сонини камайтириш тўғрисидаги ТАСС ахборотини ҳамма газеталар кўзга кўринарли жойларда катта сарлавҳалар остида босиб чиқардилар.

«Ҳиндистон таймс» газетаси бу ахборотни: «Россия қуролли кучларни камайтиради. Кескинликни янада камайтириш манфаатларини кўзлаб қилинган кўйилган қадам» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

БУХАРЕСТ, 14 август. (ТАСС). Бугун марказий газеталарнинг ҳаммаси совет қуролли кучларининг сонини камайтириш тўғрисидаги ТАСС ахборотини э'лон қилдилар ва Совет ҳукуматининг бу тадбири халқаро кескинликни юмшатиш ишига, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун кураш ишига кўшилган янги конкрет ҳисса деб ҳисобламоқдалар.

«Скентея» газетасининг ёзишича, халқлар Совет ҳукуматининг қуролли кучлар сонини камайтириш тўғрисидаги муҳим қарорини СССРнинг халқаро вазиятни мумкин қадар тезроқ согайтиришга ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни тиклашга интилаётганлигини, замонамизнинг актуал проблемаси бўлган қуролсизланиш проблемасини ижобий ҳал қилишга интилаётганлигини ва бу проблеманинг ижобий ҳал этилишини осонлаштиришга ҳаракат қилаётганлигини кўрсатучи янги далил, деб биладилар.

Тинчликсевар жамоатчилик, — деб ёзади газета, — Совет ҳукуматининг тинчлик йўлида қилган бу янги ташаббусининг жуда катта аҳамияти борлигини англаб, Ғарб давлатлари ҳам ялпи тинчлик манфаатларини кўзлаб шу тарика ҳаракат қилурлар деб кўз тутади.

ВЕНА, 14 август. (ТАСС). Эрталабки газеталарнинг ҳаммаси Совет ҳукумати қуролли кучлар сонини камайтиришга қарор қилганлиги тўғрисидаги ТАСС ахборотини кўзга кўринарли жойларда э'лон қилдилар. «Эстеррейхише фолксштемме» газетаси ТАСС ахборотини: биринчи саҳифада «Халқаро қуролсизланиш ишига қўшилган жуда катта хисса. Тинчликка интилишни кўрсатучи ҳақиқий далил» деган катта сарлавҳа остида э'лон қилди.

Совет Иттифоқининг бу тадбири жуда катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтмасдан бўлмайди, деб ёзади газета, — жаҳоннинг энг катта давлати ўз қуролли кучларини шу қадар кўп миқдорда камайтиришга қарор қилганлиги бутун дунё'да табрикланмоқда.

Ўнг газеталар Совет ҳукуматининг қарори тўғрисидаги ТАСС ахбороти текстини ҳеч бир шарҳламай босиб чиқармоқдалар ҳамда бу тўғрида АҚШ, Англия ва Франция баён қилинган фикрларни э'лон қилмоқдалар.

СТОКГОЛЬМ, 14 август. (ТАСС). Швеция матбуоти Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқи қуролли кучлари сонини 1955 йил 15 декабрьгача 640 минг киши миқдорида камайтиришга қарор қилганлиги тўғрисидаги ТАСС ахборотини шарҳламоқда. Газеталар Совет ҳукуматининг бу қарор тўғрисида ғарб давлатларининг пойтахтларида баён қилинган фикрларни ҳам босиб чиқармоқдалар.

«Русларнинг қуролли кучларни камайтираётганликлари ғарбда ма'лум даражада умид туғдирмоқда», — деб ёзади «Свенска дагбладет» газетаси. «Лондон Совет Иттифоқининг армия тўғрисидаги қарорини табриклайди», — деб уқтириб ўтади «Дагенс нюхетер» газетаси ўзининг катта сарлавҳасида.

ХЕЛЬСИНКИ, 14 август. (ТАСС). Марказий газеталарнинг ҳаммаси Совет ҳукуматининг ўз қуролли кучлари сонини камайтиришга қарор қилганлиги тўғрисидаги хабарни босиб чиқардилар. Кўп газеталар шу хабарга берган сарлавҳаларида, Совет ҳукуматининг бу тадбири Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни янада юмшатишга ёрдам беришга интилаётганлигини кўрсатади, деб та'кидламоқдалар.

Атом ва водород қуролини тақиқлаш учун курашга бағишлаб Токиода конференция очилди

ПЕКИН, 15 август. (ТАСС). Япония радиосининг хабарига қараганда, уруш тамом бўлганлигининг ўнйиллиги муносабати блан бугун Токиода атом ва водород қуролини тақиқлаш учун курашга бағишланган халқаро конференция очилган. Конференцияда Япония жамоат ташкилотларининг мамлакатнинг турли районларидан Токиога келган делегатлари, шунингдек бирқанча чет мамлакатлар жамоат ташкилотларининг, шу жумладан Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқда.

СССР блан Афғонистон ўртасида почта посилкалари айирбошлаш тўғрисида битим

КОБИЛ, 15 август (ТАСС). 14 августда Афғонистон Ташқи ишлар министрлигида СССР блан Афғонистон ўртасида почта посилкалари айирбошлаш тўғрисидаги битим имзоланди. Битимни СССР Алоқа министрлигининг ваколати блан Афғонистондаги совет элчиси М. В. Дегтярь, Афғонистон король ҳукумати алоқа министрлигининг ваколати блан алоқа министри Муҳаммад Мурод имзоладилар.

Битим имзоланган кейин элчи ва алоқа министри қисқача нутқ сўзлаб, бу битим иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

КИНО

Довюраклар ҳақида фильм

Пойтахт кино-театрлари экранларида кўрсатилаётган «Чўққилардаги шарпалар ғойиб бўлмоқда» бадиий, рангдор фильми меҳнаткашлар томонидан қизиқиш блан тамоша қилинмоқда. Фильм совет геологларни ва алпинистларининг Зангезур тоғларида кўрсатилган маҳоратини ҳикоя қилади.

Кишиларга сирли ва чиқиб бўлмайдигандек кўрянган Кармир-Сар тоғининг қорли чўққилари осмон блан ўпишиб ётипти. Бу тоғнинг чўққиларида ҳисобсиз бойлик бор. Бойликни эгаллаш ҳавфли ва қўрқинчли. Уни қандайдир шарпалар қўриқлаб ётади. Чор Россияси замонида юзага чиқариб бўлмаган ишларни совет кишилари амалга оширабошладилар. Москвадан Зангезурга қайтган ёш олим-геолог Арташес Малян ўз диссертациясида Кармир-Сар тоғидаги бойлик хурофот нақлигина эмаслигини, балки унда қимматли, нодир металлар борлиги ҳақидаги идеяни олга суради. Малян геология институтидан ёрдам сўраб, разведка экспедицияси ташкил этишни илтимос қилади. Бунга институт профессори Даниел-Бек ва шон-шуҳрат ҳақида ўйловчи, эгоист аспирант Баграт-мян қарши чиқади. Институт директори академик Сатунц ва бошқа профессорлар бу фойдали таклифни қўллаб-қувватлайдилар. Экспедиция тузилади. Унга Малян раҳбарлик қилади. Институт директорининг қизи Алпинистка Гаяне Сатунц экспедицияга қатнашгани учун уни севучи Баграт ҳам уларга қўшилади.

Экспедиция ҳақида газеталарда босилган информацияни чет давлатларда ҳам ўқийдилар. Бу информация айниқса Альварец да Кортец ёшлигида Арманистонда бўлиб, студент Шелагин ва ёш Даниел-Бек блан Кармир-Сар чўққисига чиққан ва бойликни кўрган эди. Бойликни руслардан яшириш учун Шелагинни ўлдирган, Даниел-Бекни қўрқитиб, буни ҳечкимга айтмасликни буюрган эди. Қўрқоқ, иродасиз профессор шу вақтгача бу сирни ҳаммадан яшириб келар эди. Альфарец да Кортец контрразведкага экспедиция ишини барбод этишни тоширади... Экспедиция чўққига йўл олади. Йўлда катта қийинчиликларга дуч келинади. Лекин Малян раҳбарлигидаги экспедиция а'золари ҳарқандай оғирликларга қарамай, чўққи томон интиладилар.

Ўз манфаатини, шон-шуҳратинигина ўйловчи Баграт чўққига якка ўзи биринчи бўлиб чиқишни истайди. Дўстларнинг маслаҳатларига қулоқ солмайди. Натижада ҳалок бўлишига сал қолади.

Экспедиция чўққига чиқади. Унда чўққига биринчи бўлиб чиққанлар Шелагин ва Даниел-Бек эканлиги ма'лум бўлади. Сир очилиб қолгач профессор ўзини-ўзи ўлдиради. Экспедиция блан бирга юрган четэл агенти унинг раҳбари Арташеса суйиқасд қилади. Аммо давлат ҳавфсизлиги органининг ходими душманнинг маш'ум ниятини амалга оширишига йўл қўймайди.

Фильмнинг муваффақияти шундаки, унда экспедицияга чиққан кишиларнинг оғир ва машаққатли ҳаёти, совет кишиларининг довюраклилиги, ўз олдига қўйилган шарафли мақсадини сўзсиз бажаришга бел боғлаганлиги бадиий воситалар орқали ифодаланган.

Залда ўтирган ҳарбир тамошабин фильмдаги воқиаларни зўр диққат ва ҳаяжон блан кузатади, қаҳрамонларнинг тақдирига қизиқади, душманга нисбатан чексиз ғазаб ва нафратга тўлади.

Алпинистларнинг қийин шароитидаги юришларида кишиларнинг характери очилаборади. Уларнинг мардлиги ва довюраклилиги ҳам, қўрқоқлиги ва камчилиги ҳам кўринаборади. Аншу нарса фильм авторлари (сценарист Э. Карамян ва Г. Колтунов, постановкачи С. Кеворков ва Э. Карамян, бош оператор И. Дильдарян)нинг диққат марказида бўлган.

Ёш геолог Арташес Малян образини ҳартомонлама пухта ишланган образлардан бири деса бўлади. Фильмнинг бошланишида Арташесни қизиққон, ўз фикрини дарҳол айтишни, тезда амалга оширишни истовчи шўх йигит сифатида кўрамиз. Фильм воқиалари ривожида у ҳам ўсади, ўзгаради. Арташес оддий ёш олимдан тадбирли киши, қобилиятли ташкилотчи, қўрқмас ва довюрак раҳбарга айланади. Малян ролини ижро этган талантли артист С. Сосян образнинг руҳига, ички дун'ёсига кираолган ва унинг ма'навий гўзаллигини тамошабинга етказиб бераолган. Малян халқ манфаати йўлида ҳарқандай қийинчиликдан қўрқмайдиган, ҳақиқий совет ватанпарвари сифатида гавдаланган. Арташес—Сосян самимий дўст, марҳаматли, олижаноб киши ва душманга шафқатсиз курашчидир.

Фильмда бу образга қарама-қарши қилиб, Баграт образи берилган. Баграт экспедицияга алпинист Гаяне туфайлигина қатнашади. Гаяненинг отаси соясида олим бўлиб шуҳрат қозонишга ҳаракат қилади. Профессор Даниел-Бекка ўзини яқин олиб юришидан мақсади — институтдан узоқлашмаслик эди. Бу рольни ўйнаган артист А. Карпетян образнинг анашу томонларига э'тиборни кучайтириб, тўғри иш қилган. Шунинг учун ҳам тамошабин Багратдан нафратланади, жирканади.

Геология экспедициясининг составида Багратга ўхшаш шахсиятпарастлар, четэл агенти бўлишига қарамай, софдил қидиручилар кўзлаган мақсадга қандай эришди? деган савол туғилади. Бу саволга фильмдан тўла жавоб олиш мумкин. Совет ёшларига хос юксак ахлоқий фазилатлар, ҳақиқий дўстлик, енгиб бўлмайдиган ирода ва коллективизм руҳи анашу катта ижодий муваффақиятнинг гарови бўлди. Фильм авторлари шу ғояни бўртдириб кўрсатганлар.

Четэл агенти Гребеншчиков (артист Л. Кмит)нинг Москвадан Ереванга жўнашини ва унинг давлат ҳавфсизлиги органи кузатиб бораётганлигини ишонтирарли ҳал этилганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Лекин тамошабиннинг четэл агентининг ким эканлигини узоқ вақтгача аниқлайолмаслиги бу образни тушинишни бироз қийинлаштиради.

Даниел-Бек образи қизиқарли чиққан. Унинг экспедиция жўнаб кетганидан кейин ҳаяжонланиши, изтироб чекиши, ички кечинмалари артист В. Папазян томонидан моҳирона очиб берилган.

Фильмда алпинистларнинг фаолияти тўла тасвирланмаган. Унда алпинистлар чекадиган машаққатлар атрофлича очилмаган. Гаяне (артист В. Ютуджян) моҳир алпинист деб юритилса ҳам тамошабин унинг тажрибали, уста алпинист эканлигига ишонмайди.

Кекса чўпон Ваган образи муваффақиятли чиққан. Бу хушчақчақ, тоғ «сири»ни яхши билучи чолни тамошабин севиб қолади. Артист Г. Нерсесян унинг жонли, ёрқин образини яратаолган.

Бош оператор И. Дильдарянинг хизмати ниҳоятда катта. У Арманистоннинг ҳушманзара табиатини — кўмкўк либосга бурканган тоғ ва қирларни, сой ва дар'ёларни усталик блан суратга олган. Тоғ чўққисидаги қор ва музлар ҳам чиройли чиққан. Фильмдаги Москвани акс этдируччи кадрлар томошабинда яхши таассуротлар қолдиради.

Композитор А. Арутюняннинг музикаси айрим ўринларда ёқимли бўлса ҳам фильм воқиаси ва қаҳрамонларининг руҳи блан узвий боғланган эмас.

Ереван киностудияси ишлабчиқарган «Чўққилардаги шарпалар ғойиб бўлмоқда» бадиий рангдор фильми юқоридаги камчиликлардан қат'ий назар, муваффақиятли чиққан. Тамошабин фильм воқиаларини ҳаяжон блан кузатади. Унинг қаҳрамонлари блан бирга қайғиради, бирга ҳурсанд бўлади. Бу фильм довюрак совет геологларининг мардона ишларини кўрсатучи бадиий асар сифатида тамошабинни қувонтиради.

Воси' МАҲКАМОВ.

Тошкентда

Тошкентда қишлоқ музика бадиий ҳаваскорларининг республика кўриги ўтказилмоқда. **Суратда:** Хоразм область Хонқа МТСи ҳаваскорлари коллективи.

В. Сироткин фотоси.

В. Уфимцев этюдларининг виставкаси

Ўзбекистон ССР Давлат Сан'ат музейида республика халқ рассоми Виктор Иванович Уфимцевнинг этюдларидан катта виставка очилди. Бунда рассомнинг шу йилнинг кўклам ва ёз ойларида Калинин областидаги «Академическая дача»да ва Ўзбекистонда ишлаган «Қўйшдаги қуллар», «Кеч», «Хумсондаги кўча» каби 50 дан ортиқ асари бор.

Виставкага қўйилган этюдларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда табиат манзаралари усталик блан чизилган, Россиянинг баҳори, Ўзбекистон ёзи турли бўёқларда зўр эҳтирос блан тасвирланган. Бу этюдлар рассомнинг табиат ҳодисаларига завқ-шавқ блан қарашини, унинг ишқибозлигини кўрсатади. Бу этюдларнинг кўпи мукаммаллиги, бадиийлиги блан пейзаж жанрининг энг яхши асарлари қаторига киради.

Янги уй-жойлар

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг қурилиш монтаж бошқармасига қарашли 2-нчи қурилиш участкасида иш қизғин бормоқда. Бу участка қурувчилари КПСС Марказий Комитети XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, қурилиш ишлари сур'атини тезлаштирмоқдалар.

Қурувчилар 7 ноябрьгача комбинат ишчи-хизматчилари учун яна 4 қаватли 38 квартирали уй-жойни тайёрлаб топшириш ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир бу уй-жойлар асосан тугалланиб, монтаж ишлари олиб борилаётир. Ҳарбир квартиранинг ўз ваннаси, водопроводи, ошхонаси бўлиб, электр чироқлари блан жиҳозлантирилади. Квартираларнинг ҳарбири ишчиларнинг маданий-маиший шароити учун жуда ҳам мослантирилган.

Қурилишнинг Ҳаким Каримов, Федор Иванчин, Васильева бошлиқ бригадалари илғор ҳисобланади. Қурилишнинг ўртоқ Ҳайриддинов, Глаткова, Грешников, Клачков сингари қурувчилари фидокорона меҳнат қилиб, қурувчилар коллективининг ҳурматига сазовар бўлаётирлар.

Коллектив ҳозирги кунларда социалистик мусобақани янада кучайтириб ишчи-хизматчилар учун тайёрланаётган Шота Руставели кўчасидаги 4 қаватли учинчи уйни (38 квартирали) муддатидан илгари битказиб топшириш учун курашмоқда.

Район территорияси обод бўлмоқда

Тошкент шаҳар, Фрунзе район ижроия комитети бу йил район территориясини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш юзасидан катта ишлар қилди. Шу йилнинг ўтган етти ойи ичида 31 минг 240 квадрат метр майдонга, я'ни 13 кўчага шағал ётқизилди. 9 минг 175 квадрат метр ҳажмдаги тротуар асфальтланди. Кўча ва майдонларга 15 минг тупга яқин ҳархил дарахт ўтказилди. Шота Руставели трактида янги гулзор вужудга келтирилди.

Район ижория комитети ҳозир район территориясини ободонлаштириш бўйича 1955 йилга белгиланган планнинг тўлиқ бажарилиши учун курашиб Кармелюк ва Раскова кўчаларида шағал ётқизиш, 6 минг 475 квадрат метр ҳажмдаги тратуарларни асфальтлаш ишларини яқин кунларда тугаллаш чораларини кўраётир.

Кўчма виставкалар

Табиий-илмий билимларни пропаганда қилиш республика музейининг илмий ходимлари коллективи кейнинги вақтларда ўз фаолиятини анча жонлантирди.

Ҳозир музейда «Фан ва дин Олам тўғрисида», «Фан ва дин, Ерда ҳаётнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақида», «Ўзбекистон хотин-қизлари — коммунизмнинг актив қуручилари» каби темаларда кўчма виставкалар ишлаб турибди.

Кўчма виставкалар шу кунгача Тошкент шаҳрилари кўпчилик маданият ва истироҳат боғлари, эгар-жабдуқ фабрикаси, Сталин район ва Тошкент область маданият уйлари, Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозларда ўрнатилиб тамошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Республика биринчилиги учун

«Динамо» стадионида республика биринчилиги учун футбол бўйича навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Ўйинда Округ офицерлар уйининг командаси Чирчиқ шаҳар химикчилари блан учрашдилар.

Ўйин бошланиши блан меҳмонлар дарҳол атакага ўтадилар ва офицерлар уйи командаси дарвозасини хавф остида қолдирадилар. Брок дарвозабонинг эпчиллиги блан меҳмонлар ҳужуми натижасиз бўлиб чиқади. Офицерлар уйи командаси футболчилари секин-асталик блан ташаббусни ўз қўлларига оладилар ва ўйиннинг биринчи ярмини 2:0 ҳисоби блан ўз фойдаларига ҳал қиладилар.

Ўйиннинг иккинчи ярмида ҳар иккала команда ҳам бир-бирларининг дарвозасига биттадан тўп киритишга муваффақ бўлади. Шундай қилиб, учрашувда офицерлар уйи командаси 3:1 ҳисоби блан чирчиқлилар устидан ғалаба қозонди.

☆ ☆

Яқинда «Пишчевик» стадионида республика биринчилиги учун футбол ўйини бўлди. Бу ўйинда Тошкент округ офицерлар уйи командаси блан «Локоматив» командаси футболчилари учрашдилар. Ўйиннинг биринчи ярмида Тошкент округ офицерлар уйи футболчилари юксак маҳорат блан ўйнаб, ўз рақиблари дарвозасига 5 та тўп киритиш имкониятига эга бўлдилар. Ўйиннинг 2-нчи ярмида ҳам «Локоматив»чилар дарвозасига яна бир тўп киритилди.

Учрашувда Тошкент округ офицерлар уйининг футбол командаси 6:1 ҳисоби блан ғолиб чиқди. Ҳозир Тошкент округ офицерлар уйининг футбол командаси республика биринчилиги учун ўтказилаётган мусобақаларда олдинда бораётир.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми Умумиттифоқ Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлигини СССР Қоғоз ва ёғочсозлик Иттифоқ Республика министрлиги қилиб қайтадан ташкил этди.

СССР Олий Совети Президиуми Украина ССР Иттифоқ Республика Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлигини ташкил этиб, унга СССР Министрлар Совети тасдиқлаган рўйхат бўйича корхоналар ва ташкилотларни топшириши зарур деб топди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

КИНОЛАРДА:

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кеч соат 10 гача), НАВОИЙ номли (кеч соат 8 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Қанотлардаги юлдузлар.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ХИВА», «УДАРНИК» — **Қанотлардаги юлдузлар.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Ёш гвардия** (2-нчи серия), кечқурун **Сусамир водисида.**

Ташуивермагнинг
3-НЧИ МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИГА
эркак ва хотин-қиз устки кийимларини тикучи мастерлар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Лоҳутий кўчаси, 40-нчи уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05268. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1486.